



e-mail: xxi_asr@mail.uz



14-YANVAR
2021-YIL
2 (896)

web sayt: www.21asr.uz

@XXIasrofficial

ASR IJTIMOIIY- SIYOSIIY GAZETA

“Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!”



ҲИС ҚИЛИШ ҚУДРАТИ

“Билган билиб қўявериши мумкин, ҳис қилган ҳис қилиб қўявермайди”. Абдулла Қаҳҳорнинг ушбу иборасини кўп мулоҳаза қиламан. Кўпинча ақлимиз етиб туриб, хато қиламиз, лекин юракдан ўтказилган мулоҳаза янглишишга йўл қўймайди. Шу маънода ёшларнинг, аҳолининг армия ҳаётини ҳис қилишида, она юртдаги осойишталикнинг қадрини теранроқ тушунишида “Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!” шиори остида ўтказилаётган ватанпарварлик ойлигининг аҳамияти катта.



Ўзбек миллий кино санъати ҳафталиги

**YANGI
O'ZBEKISTON
VA MILLIY KINEMATOGRAFIYA**

Ёшлар ижод саройида давом этаётган кино санъати ҳафталиги ўзининг авж палласига кирмоқда. Кеча кун давомида “Ёшлар ижодий тажриба студияси” ДУК томонидан кастинг бўлиб ўтди. Жараёнлар гоят қизиқарли кечмоқда. Ҳафталик доирасида таниқли киноижодкорлар Али Хамроев, Фарҳод Маҳмудов ва Аюб Шаҳобиддинов томонидан маҳорат дарслари, Мультипликацион студия аниматорлари томонидан “Ўзбекистон – бизнинг диёримиз” мавзусида болалар ижодий танлови, хорижий кинофондлардан қайтарилган мультфильмларнинг махсус намойиши, “Янги Ўзбекистон ва Миллий кинематография: 2021 йил ишга туширилаётган кинолойиҳалар, 2022 йилнинг янги гоёлари”, “Зумраша” киножурналининг истиқболли режалари, “Экранда аёл тақдири” мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди. Ҳафталик давом этмоқда.

Жавҳарбек ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтини талабаси



УШБУ СОНДА:

Тўхташ ёки тўхтаб туриш

қоидаларини бузганлик учун жарима миқдори камайтириладими?



2


ТОМОРҚАЧИЛИК РИВОЖЛАНСА,

камбағаллик қисқарадими?



3

МУЛК ОСМОНДАН ТУШГАНМИ?



9

БИТТА ДАРСЛИК КИТОБ

неча йилга чидаши керак?



10

ҒАЗ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДАГИ

ўзгаришлардан хабардормисиз?



11



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг видеоконференцалоқа тарзидаги навбатдаги йиғилишида мазкур масала энг кўп тортишув ва баҳсларга сабаб бўлди. Чунки йиғилишда кўрилган илк қонун лойиҳаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги айрим ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазолар енгиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида” бўлди.



Тўхташ ёки тўхтаб туриш

қоидаларини бузганлик учун жарима миқдори камайтириладими?



Фахриддин САМАДОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида фуқаролар, жамоатчилик вакиллари, ҳайдовчилар билан мулоқотлар ўтказилди. Ўрганишлар давомида соҳада ечимини кутаётган бир қатор масалалар борлиги маълум бўлди. Хусусан, кодексдаги йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги айрим ҳуқуқбузарликларга нисбатан жарима миқдорини энг кам ва энг кўп миқдорини белгилаш давомида, яъни ҳуқуқбузарликни таснифлашда амалиётда коррупцион ҳолатларнинг келиб чиқишига имкон яратувчи мавҳум нормалар аниқланди.

Ўтказилган таҳлиллар натижасида ҳамда кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларида, ҳайдовчилар томонидан тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларининг бузилиши, аксарият ҳолларда автотранспорт эгаси ўз бошқарувидаги транспорт воситасини тўхтатишга мажбур бўлган жойларда транспорт воситаларини вақтинча тўхташи учун шарт-шароитлар яратилмаганидан ва бундай жойларда тақиқловчи белгилар мавжудлигидан содир этилаётгани аён бўлди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасига кўра “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг бир қатор моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, кодекснинг тегишли моддалари (54, 123, 141, 147-моддалари)да назарда тутилган “энг кам” ва “энг кўп” миқдорда белгиланган жарималарнинг энг кам даражаси сақланиб, энг кўп даражаси чиқариб ташланаяпти.

Шунингдек, кодекснинг 128^б-моддасида белгиланган Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузганлик учун жарима миқдори камайтирилиб, тақдоран содир этилган қоидабузарликлар учун жарима қўллаш нормалари чиқарилмоқда.

Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши келгусида йўл транспорт соҳасидаги қоидабузарлик учун жарималар белгилашда коррупцион ҳолатлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилишини эътиборга олиб, фракциядошларимиз билан биргаликда қонун лойиҳасини маъқулладик.

Фракция йиғилишида “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.



Умидахон ЗОКИРОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Президентимизнинг 2020 йил 24 августдаги тегишли фармонида биноан ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида амалдаги “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида” ва “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунларни бирлаштириб, ягона қонун қабул қилиш назарда тутилмоқда. Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш фақатгина электрон тарзда ихтисослаштирилган махсус электрон тизим – “Лицензия” ахборот тизими орқали амалга оширилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасида юридик шахсларнинг филиал ва ваколатхоналари томонидан лицензияланадиган, рухсатнома олиш ёки хабардор қилиш талаб этиладиган фаолият турларини амалга ошириш амалиётини жорий этиш, хорижий мамлакатлар амалиётдан келиб чиқиб, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомилларини амалга оширишнинг асосий принципларини белгилаш ҳам ўз аксини топган. Айни ҳужжатнинг қабул қилиниши соҳани тубдан такомиллаштириш ҳамда мамлакатда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилашга хизмат қилади.

Йиғилишда “Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.



Равшан МАМУТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Биринчи ўқишда кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасининг мақсади қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар муомаласи соҳасидаги муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солиш, шу соҳадаги давлат органлари ҳамда бошқа иштирокчиларнинг ваколатлари ва жавобгарлик соҳасини аниқ чегаралашдан иборат.

Шу жиҳатдан қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан республиканинг иқтисодий тармоқларида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар соҳасидаги фаолиятни амалга оширишнинг мустақкам ҳуқуқий асоси ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан қимматбаҳо металлларни тўғридан-тўғри ишлаб чиқувчилардан ёки биржадан сотиб олиш имконияти яратилади.

Яна бир муҳим жиҳати, лойиҳага қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларга бўлган эгалик ҳуқуқини назарда тутувчи нормалар ҳам киритилганки, бу тадбиркорлик субъекти ёки жисмоний шахслар ҳам қимматбаҳо металлларга эгалик қилиши, ўрнатилган тартибда эркин тасарруф этиш имконини беради.

Узоқ тортишув ва билдирилган таклифлардан сўнг бу қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан биринчи ўқишда қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда фракция ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

Томорқачилик ривожланса, камбағаллик қисқаради

XXI ASR
Хаммамиз бугун кўриб, билиб, англаб турибмиз: мамлакатимизда камбағалликни камайтириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз бу долзарб масалага қайта-қайта тўхталиб, камбағалликни камайтириш учун аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш лозимлигини бежиз таъкидламаяпти.

Оддий ҳақиқат шуки, камбағалликни ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш ёки халққа турли кредитлар бериш орқали қисқартириб бўлмайди. Бунинг учун, аввало, аҳолини касб-хунарга ўқитишни тизимли равишда ташкил этиш, қолаверса, одамларда томорқа юритиш кўникмасини шакллантириш, айниқса, ерга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш керак. Хитой файласуфи Лао Цзе айтганидек, “Оч қолган инсонга балиқ берсанг, унинг қорнини бир кунгина тўйдирасан. Агар унинг қўлига қармоқ бериб, балиқ овлашни ўргатсанг, уни бир умр очликдан қутқарасан”.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси томонидан “Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш – камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришнинг муҳим омил” мавзусида фракциялараро ўтказилган амалий мулоқот доирасида ҳам ушбу масала хусусида атрафлича фикр алмашилди.

Шунингдек, камбағалликни қисқартириш йўлларида яна бири қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтириш учун қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин ошириш



лозим. Чунки республикаимиздаги ҳар бир тумanning иқтисодий имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, деҳқончилик билан шуғулланган оилаларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилиши ҳам юқори самара беради.

Ҳозирги кунда дунёда озиқ-овқат тақчиллиги хавфи ортиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон раҳбарияти нафақат ички талабни қондириш, балки ташқи бозорга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ошириш имконини берадиган муҳим ва зарур чора-тадбирларни амалга оширмақда. Биргина ўтган йилнинг ўзида мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилгани натижасида пандемиянинг салбий таъсирига қарамасдан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинган кичкина кўрсаткич эмас.

Шу жиҳатдан айтиш керакки, 2020 йил аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистон учун туб бурилиш йили бўлди, десак янглишмаймиз. Негаки, ўтган йили, эслайлик, аҳолининг муайян қатлами ўртасида кам-

бағаллик мавжудлиги биринчи марта нуфузли минбарда тан олинди, уни қисқартириш масаласида кенг қамровли амалий ишлар бошланди. Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги – “темир дафтар” тизими жорий этилганининг ўзи бу борадаги саъй-ҳаракатлар яхшигина самара беришини кўрсатмоқда. Қисқа муддат ичида бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди. Ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солиқ имтиёзлари берилиши ҳамда кўпгина чекловларнинг бекор қилиниши туфайли 500 минг фуқаро меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди. Деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларига 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилгани ҳам қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги йўналишга айланди. Албатта, бу каби хайрли ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ.

Жорий йилда камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришга қаратилган ишлар кўлами янада ошса ошадики,



Ақтам ХАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
О'зЛиДеР фракцияси раҳбари

лекин камаймайди. Бинобарин, Президентимизнинг парламент ва халқимизга йўлланган Мурожаатномасида барча вилоятларда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказлари ташкил этилиб, уларда “ягона дарча” тамойили асосида 100 дан ортиқ агрохизматлар кўрсатиш йўлга қўйилиши белгиланди. Ушбу марказлар орқали ернинг сифатини яхшилаш, касалликларга қарши курашиш, уруғларни танлаш билан боғлиқ муҳим хизматлар кўрсатилиши кўзда тутилмоқда.

Камбағалликни келтириб чиқарувчи омиллардан энг биринчиси бу – ишсизлик! Ишсизликни бартараф этиш – бу камбағалликни қисқартириш, дегани. Бу борада одамларга ердан тўғри фойдаланишни, томорқадан йилга икки-уч маротаба ҳосил олишни ўргатиш энг тўғри йўл, деб ҳисоблаймиз. Ахир, шундай истиқболли ишлар орқали қанча одам ишли бўлади, оилаларга даромад, барака киради. Энг муҳими, томорқадан самарали фойдаланган одам ҳеч қачон боқиманда бўлмайди, аксинча, бой-бадавлат бўлади.

Доно халқимизда “Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади”, деган пурмаъно ҳикмат бор. Бу бежиз айтилмаган, албатта. Зеро, бугунги оғир, синовли дамларда серҳосил еримиз, даромад олишга томорқамиз бўла туриб, ундан етарли даражада фойдаланмасдан аҳоли турмуши, рўзғори бутлигига эришиш мушкул. Бебаҳо заминнинг ҳар бир қаричидан унумли фойдалансаккина, Яратганнинг розилигига дохил бўламиз.

XXI ASR
Байрам шуқуҳи

Энг шарафли бурч

XXI ASR
Ватан ҳимоячиси бўлиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Қандай талотумли замонларга гувоҳ бу замин. Лекин ҳар қандай даврда ҳам юртни, унинг сарҳадларини кўз қорачигидек асраб-авайлаш, қўриқлаш инсон учун муқаддас бурч саналган.

Бу шарафли вазифа ота-онаси, оиласи, фарзандлари шаъни ва ор-номусини ҳимоя қилиш билан баб-баравар жиддий масъулият, куч-ирода талаб этади.

Ватан ҳимоячилари кунини арафасида Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши депутати Олимхон Бобохонов ва Наманган шаҳар Кенгаши депутати Гиёсид-

дин Бобохонов ташаббуси билан Наманган шаҳридаги ҳарбий қисмда байрам тадбири ташкил этилди.

Учрашувда ҳаётимизга бекиёс маъно ва мазмун олиб киргувчи тинчлик аталмиш бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш ва бу тенги йўқ бойликни асраш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш катта авлоднинг, шу жумладан, депутатларнинг ҳам вазифаси эканлиги ху-



сусида сўз юритилди.

Тадбир сўнгида ҳарбий қисмда йигитлик бурчини ўтаётган аскарлар ҳамда ҳарбий хизматчиларга депу-

татларнинг байрам совғалари топширилди.

О'зЛиДеР Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

Аёллар тадбиркорлиги ривожланса борми...



Тўлқин ФАЙЗИЕВ,
О'zLiDeP Тошкент вилоят
Кенгаши раиси,
Халқ депутатлари вилоят
Кенгаши депутати



Шаҳноза ХОЛМАХМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатнома-сида мамлакатимизни янада ривожлантириш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар алоҳида эътироф этилди. Сир эмас, пандемия шароитида кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бор фуқаролар халқимизнинг эътиборида бўлди. Уларга ҳар томонлама моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди. Айниқса, 2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинганида жуда катта маъно ва мазмун бор.

Вазифалар аниқ, бажариш керак, холос

Ёшлар бандлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш – давлат ва мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий локомотивига айланаётган ишбилармонларимиз томонидан қўллаб-қувватланиши бу йилнинг асосий жиҳатига айланишини ҳис қилиб турибмиз. Айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш керак. Чунки давлат ва жамият тараққиётининг пойдеворини ҳар томонлама етук ва баркамол авлод вакиллари қуради.

Мурожаатномада, шунингдек, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга елкадош бўлиш кераклиги алоҳида таъкидланди. Соҳа вакиллари фаолиятини янада ривожлантириш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни тўлиқ ҳимоя қилишга қаратилган Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди. Бу таклиф О'zLiDeP сайловолди дастурида ҳам ўз аксини топгани билан аҳамиятлидир.

Жорий йилда сиёсий партиялар ҳаётида муҳим сиёсий жараён – Президентлик сайлови бўлиб ўтади. Бу борада нафақат сиёсий партиялар, балки ҳар бир давлат ва нодавлат идоралари, бутун аҳолимиз фаол иштирок этиши, ташаббускор бўлиши таъкидланди. Юртбошимиз, биринчи навбатда, сайлов комиссиялари аъзоларини сайлов қонунчилиги ва халқаро стандартлар бўйича тизимли ўқитиш, ўтган сайловларда халқаро кузатувчилар

томонидан билдирилган мақбул тавсияларни миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиш ишларини давом эттириш зарурлигини қайд этди. Бу муҳим сиёсий кампания янги Ўзбекистон шароитида сайловчиларимиз, барча фуқароларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, дунёқароши, фуқаролик позицияси юксалиб бораётганини яна бир бор намоён этади, дея ишонч билдирди.

Бу фикрлар О'zLiDeP партияси олдида ҳам юксак вазифаларни кўяди. Сайловолди жараёнларга ҳозирданоқ катта тайёргарлик кўриш, электорат билан ишлашда янгича тизимга ўтиш, сайловолди дастуримизда белгиланган вазифаларни юқори суръатларда бажаришни давом қилишни тақозо этади. Қолаверса, сайловчилар билан учрашувларда Мурожаатномада белгиланган вазифаларни аҳолига кенг тушунтириш ва уларни амалга оширишда ҳамкорликда ҳаракат қилиш орқали назоратини олиб бориш масъулияти биз депутатларга юкланади.

Шиддат билан ўзгараётган замонда аёл зотиға муносабат ҳам ўзгармоқда. Ҳурмат-эҳтиром, нуфузини ошириш, ташкилотчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бунга биз, Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаида яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Йиғилишда аёлни эъзозлаш, муносиб ғамхўрлик кўрсатиш халқимизга хос юксак фазилатлардан экани эътироф этилди. Давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш – ислохотларимизнинг энг устувор йўналишларидан биридир, деб таъкидлади Юртбошимиз. Бу опа-сингилларимизнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш, мавқеини юксалтириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, меҳнатини муносиб рағбатлантиришга қаратаётган ишлар миллий кадриятларимизга уйғун саъй-ҳаракатлардан эканининг ёрқин намунасидир. Айтиш керакки, Мурожаатномада белгиланган вазифалар ана шу ишлар янада сайқал топиб, янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади, десак тўғри бўлади.

Мазкур тарихий ҳужжатда аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувват-

лаш ҳамда жойларда аниқланган муаммоларини ҳал этиш учун бюджетдан кўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши белгиланди. Аёллар юртимизнинг меҳнатга лаёқатли ва иқтисодий фаол аҳолисининг катта қисмини ташкил этишини инobatга олсак, бу имтиёзлар тадбиркорликни ривожлантиришга комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш, улар бошқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш дастурларини тайёрлаш ва амалга ошириш, ахборот, бозор, таълим ва молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини бериш ва фаолиятини оммалаштириш учун кенг йўл очади. Қолаверса, хотин-қизлар тадбиркорлиги мамлакатимиз иқтисодий ривожини учун энг муҳим ресурслардан биридир. Мутахассисларнинг фикрича, айнан хотин-қизлар тадбиркорлигининг салоҳияти жаҳон ялпи ички маҳсулотини икки баробар ошириши мумкин экан. “Boston Consulting Group” халқаро компанияси экспертлари ҳам бунини тасдиқлашди. Компания ўтказган тадқиқот натижасига кўра, агар аёл тадбиркорлар сони эркак тадбиркорлар сонига тенг бўлганида, жаҳон

иқтисодиёти ҳажми 2,5 триллион доллардан 5 триллион долларга ошган бўларди.

Эътиборга молик жиҳати, уйма-уй юриш орқали аёллар билан бирма-бир мулоқот қилиб, уларнинг эҳтиёжи, қизиқишлари ўрганилмоқда, бу эса эҳтиёжманд аҳолини аниқлаш ва шу асосда манзилли ишлаш имконини бермоқда. Ҳақиқатан ҳам, шундай. Зеро, “Аёллар дафтари”га ҳар бир ҳудудда истиқомат қилаётган 30 ёшдан ошган, ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ҳамда иштиёқи бор, шунингдек, бандлиги таъминланиши керак бўлган хотин-қизлар киритилмоқда. Кези келганда яна шуни айтиш керакки, шу дафтар орқали мамлакатимизнинг олис ҳудудларида ўз ташвиш-уйларига ўралашиб юрган опа-сингилларимизнинг муаммолари тизимли ҳал этиляпти.

Умуман олганда, бугун давлатимиз раҳбари бошлаб берган ана шундай хайрли иш барча ҳудудда фаол давом этмоқда. Табиийки, бу каби эзгу ишларга ҳисса қўшишдан О'zLiDeP ва унинг парламент қуйи палатасидаги фракцияси ҳам четда турмайди. Мурожаатномадаги устувор вазифалардан келиб чиқиб, бу борадаги истиқболли лойиҳаларни, хусусан, “Бугуннинг тадбиркор аёли”, “Ишбилармон аёл”, “Аёллар – инновацион ривожланиш тарафдори” каби лойиҳаларини янги босқичга олиб чиқамиз. Шу орқали кўплаб опа-сингилларимизга бизнесда ўз йўлларини топишларида ҳар томонлама кўмаклашамиз. Қолаверса, биз депутатлар ҳам айни йўналишда белгилаб берилган вазифаларнинг ўз вақтида сифатли бажарилиши устидан қатъий депутатлик назоратини ўрнатамиз.



Бизга йўл кўрсатувчи маёқ

Яқинда Президентимиз томонидан парламентга йўлланган Мурожаатномада иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётимизнинг устувор йўналишларига доир вазифалар белгилаб берилди. Таъкидлаш керакки, давлат бошқарувининг бундай демократик усули бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, авваламбор, халқ билан мулоқот принципига ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир. Албатта, биз – маҳаллий кенгаш депутатлари ҳам Мурожаатномадан тегишли хулосалар чиқардик, уни дастуриламал ҳужжат сифатида қабул қилдик.

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинган жорий йилда депутатлар зиммасидаги вазифалар янада залворлироқ бўлади, деб ўйлайман. Давлат идораларидаги ижро сифати ва ҳолатини халқ депутатлари туман кенгашида танқидий муҳокама этиб бориш амалиётининг жорий этилиши нафақат айрим мансабдорлар, балки депутатларни ҳам мудроқ уйқудан уйғотиши аниқ. Чунки депутат тумандаги раҳбарларнинг фаолиятини танқидий таҳлил этиш учун иқтисодий-ижтимоий билимга, ўзи сайланган ҳудуд аҳолисининг бандлиги ва турмуш шароити ҳақида муайян маълумотга эга бўлиши талаб этилади. Шундай депутатлар борки, ўз округида қанча аҳоли яшаши, нечта мактаб ёки ҚВП бор-йўқлигини ҳам билмайдди. Ана шундай “халқ вакиллари”дан воз кечиб, эл-юрт дарди билан яшашни одат қилган фидойиларни сайласак, кенгашлар фаолияти янада жонланади ва аҳоли фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларга йўл очилади.

Депутат ўзи сайланган ҳудуддаги муаммолар қай да-



Панжи ЖАЛИЛОВ,
O'zLiDeP Муборак туман Кенгаши раиси,
Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати

ражада ҳал этилаётганини доимий ўрганиб, ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросини назорат қилиб бориши талаб этилаётир. Чунки у ҳудуддаги муаммолардан бохабар бўлсагина, маҳаллий Кенгаш сессияларига масала киритиб, депутатлик гуруҳи фаолияти

самарадорлигини ошира олади.

Қабул қилинган ҳужжатлар ижросини ташкил этишда “Жамоатчилик эшитувлари” ва “Жамоатчилик мониторинги” тизимининг жорий этилиши ҳам биз учун муҳим янгиликдир. Эндиликда партиямиз депутатлари ва фаоллари маҳалла ва қиш-

лоқларда бўлиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганишлари ва уларнинг мақбул ечимларини топиш борасида мунтазам изланишлари талаб этилаётир. Бу борада бизга партия тузилмалари ва бошланғич партия ташкилотла-

ри қошида ташкил этиладиган жамоатчилик комиссиялари яқиндан ёрдам беради.

Эътибор берайлик, Президентимиз ташаббуси билан айнан Мурожаатномада ҳам тилга олинган Қашқадарёда йилига 1,5 миллион тонна керосин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарувчи, қиймати 3 миллиард доллар бўлган мажмуанинг тўлиқ қувват билан ишга туширилиши иқтисодий-иқтисодий юксалтиришда муҳим омиллардан бири бўлади. Бу гигант корхонанинг иш бошлаши минглаб тадбиркорлар учун катта ижобий аҳамият касб этади. Хусусан, фермер хўжаликлари, хусусий корхоналар фаолиятида дизель ёқилғиси ва табиий газ қанчалик муҳим ўрин тутишини яхши биламиз. Тадбиркорликнинг янада кенгроқ кулоч ёзиши эса кўплаб йигит-қизлар учун янги иш ўринларини вужудга келтиради.

Масалан, бизнинг туманимизда иссиқхона хўжалигини ривожлантириш борасида улкан тажриба орттирилган. Эндиликда мини-иссиқхоналар ташкил этишга киришяпмиз. Уларга томчилатиб суғориш ускунаси ўрнатиш ва иситиш

учун катта маблағ талаб этилмайди. Шунингдек, сувсизликка чидамли эман дарахти кўчатлари етиштириш ва уларни ўтқазиб ташаббусини илгари суряпмиз. Амалда бу ташаббус ўзини оқлашига ишонамиз. Бу дарахтлар ҳаво мусаффолигини таъминлашда катта роль ўйнайди. Ёнғоғи чорва учун тўйимли озуқа ҳисобланади.

Кейинги йилларда хусусий сектор вакиллари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга янада кўпроқ эътибор қаратилаётганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Мазкур жараённинг жорий йилда ҳам давом этиши янада қувонарли. Хусусан, Тадбиркорлик кодексини қабул қилиш ҳақидаги ажойиб даъват ишбилармонларимизни ортиқча оворагарчиликлар, қийинчиликлардан халос этади. Тадбиркорлик субъектлари текширувларига мораторийнинг яна бир йилга узайтирилиши, ҳалол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва яширин иқтисодийни қисқартиришга қаратилган дастурларнинг ишга туширилиши ҳам бизнес муҳитнинг яхшиланишига хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, Мурожаатномада илгари сурилган ташаббуслар, белгиланган вазифалар халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз гуллаб-яшнашига қаратилган ислохотларнинг бардавомлигини таъминлаш йўлида дадил одимлар ташлашимизда барчамиз учун маёқ бўлиб хизмат қилади.

Имкониятлар янада кенгайди

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқиб O'zLiDeP Фарғона вилояти Кенгаши вакиллари ҳам ўз олдига аниқ ва мақсадли вазифаларни қўйди. Ҳозирда партия томонидан жойларда Мурожаатномадан келиб чиқадиган устувор вазифаларни ҳамда партиянинг мақсадини фуқароларга етказиш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири “Фарғона халқаро аэропорти” МЧЖда ташкил этилган бошланғич партия ташкилотига ўтказилди. Унда партиядан сайланган вилоят ва Фарғона шаҳар Кенгаши депутатлари, аэропорт ходимлари иштирок этди.

2021 йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинди. Албатта, бу бўйича бажарилиши зарур бўлган ишлар белгилаб олинди. Хусусан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган юртдошларимизни иш билан банд қилиш, оилавий иқтисодийларини мустаҳкамлашларига кўмаклашиш биринчи галдаги вазифалар сирасига киради. Бу йўлда, айниқса, томорқадан самарали фойдаланиш,



йилига 3-4 маротаба ҳосил олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган йилда ҳам партия ходимлари ва депутатлар ҳудудларда юриб, фуқароларга бу борада маҳорат

дарсларини ўтгани, бир гуруҳ эҳтиёжманд оилаларга бодринг, помидор, қалампир, булғор қалампирининг минглаб кўчатлари бепул тарқатилгани пандемия даврида айна муддао бўлди. Карантин даврида бир қатор озиқ-овқат маҳсулотларини томорқа-

ларида етиштирилганлари туфайли ортиқча сарф-харажатларга барҳам берилди.

Учрашувда сўз олганлар ёшлар

ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътибор марказида бўлишини таъкидлашди. Шунингдек, иштирокчиларга Мурожаатномадан ўрин олган ташаббуслар ҳақида маълумот берилар экан, тиббиёт соҳасига алоҳида урғу берилди.

Тадбирда иштирок этган O'zLiDeP-дан сайланган вилоят Кенгаши депутати, Фарғона шаҳридаги 5-оилавий поликлиника бош шифокори Ферузахон Мадалиева пандемия сабоқларидан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўлами янада кенгайтирилаётганини таъкидлади. Жумладан, поликлиника ва шифохоналарни электрон иш юртишга ўтказиш чоралари кўрилаётганини айтди. Шунингдек, республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина йўлга қўйилиб, диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятлар янада кенгайтирилади.

Тадбир доирасида аэропортнинг бир гуруҳ ишчи-ҳодимлари партия сафига қабул қилиниб, уларга аъзолик гувоҳномалари топширилди. Фаол ёшлар тақдирланди.

Шоҳсултон ТҲХТАМАТОВ,
O'zLiDeP Фарғона вилояти
Кенгаши
матбуот котиби

Юрт ҳимоясидан улуғроқ бахт йўқ

Ҳеч ўйлаб кўрган-мисиз, нега аксарият ёшларимиз ҳарбий бўлиш ёки ички ишлар идораларида хизмат қилишга интилишади? Бунинг сабабларини мен униб-ўсиб келаётган йигитларимизнинг ўзи тугилиб ўсган жонажон юртга муҳаббати кучлилигидан, шу муқаддас заминни севишидан, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини исташидан деб биламан. Аслида-ям шундай.

Кўплаб ҳарбий бўлишни истаётган ва шу соҳага кириб, хизмат вазифасини ўтаётган йигитлар билан суҳбатлашганимда, Ватан ҳимоячиси бўлиш шарафли бурч эканини бот-бот такрорлашади.

Айтмоқчиманки, юртимиздаги тинчлигу хотиржамлик, аҳолининг эркин ва келажагидан кўнгли тўлиб яшаётганининг сабаби ҳам мудофаа қудратимиз, Қуролли Кучларимиз салоҳиятига, мард ва жасур йигитларимиз шижоатига ишончи юксаклиги билан чамбарчас боғлиқдир. Президентимизнинг Олий Мажлисга ва халқимизга йўлаган Мурожаатномасида яқин ва узоқ минтақаларда кузатилаётган зиддият ва

тўқнашувлар шароитида биз юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада кучайтиришимиз лозимлиги ҳақида бежиз сўз юритилмади. Демак, мамлакатимиз тинч, осойишта, ҳаётимиз фаровон деб беътибор юришга ҳаққимиз йўқ. Дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар бизга ҳам дахлдорлигини, узоқ-яқин минтақалардаги вазиятдан доим хабардор бўлиб туришимиз зарурлигини ёддан чиқармаслигимиз керак.

Мурожаатномадаги Қуролли Кучларимиз қудратини, қўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилиши ҳақидаги фикрлар ҳарбийларимизни, ота-оналарни ва ёшларни қувонтиргани табиий. Давлатимиз томонидан ҳарбий хизматчиларга, Ватан ҳимоячиларига чексиз ғамхўрлик қилиб келиняпти. Эндиликда бу саъй-ҳаракатлар янада кучайтирилса, Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган зобиту аскарларимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшилади, касбига иштиёқи ва меҳри юксалади. Бу, албатта, тинчлигимизга, юртимиз тараққиёти ва равнақиға



**Ҳазратқул
ХЎЖАМҚУЛОВ,**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси

хизмат қилиши табиий.

Биз депутатлар жамоат хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратишда янгича ёндашувларни ташкил этишга қўмаклашишни асосий вазифамиз деб биламиз. Бундан ташқари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борамиз. Бу борада ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилалари ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар ташкил этамиз. Аҳоли осойишталиги ва фуқаролар манфаатларининг чинакам ҳимоячилари бўлмиш ёшларни юртга садоқатли этиб тарбиялашда ҳам жонбозлик кўрсатамиз. Зеро, шу юрт, шу муқаддас тупроққа садоқатини намоян этиш ҳар бир касб эгасининг шарафли вазифасидир.

ҲИС ҚИЛИШ ҚУДРАТИ

«Бошланиши 1-саҳифада.»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши асосида ўтказилаётган ойлик доирасидаги ишлар фуқароларнинг онгу тафаккурига Ватан ҳимояси шарафли ва муқаддас бурч эканлигини, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун масъулият тўғрисида чуқур сингдириш, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини камол топтириш каби юксак вазифаларни қамраган.

“Мен Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби буюк саркардалар авлодиман!”, “Армия – ёшларнигоҳида”, “Ҳарбий қисмдаги бир куним”, “Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин”, “Менинг оилам – менинг фахрим”, “Мард



ўғлонлар номи барҳаёт” сингари турфа мавзуларда ўтказилаётган тадбирлар, “Мард, жасур ва садоқатли ватанпарварларни тарбиялаш мактабдан бошланади!” мавзусидаги дарслар ёшларга шарафли хизматнинг масъулиятини юракдан ҳис қилишларига туртки беради.

Юртимизнинг турли гўшаларида ўтказилаётган шу номдаги кўплаб тадбирларни кузатар экансиз, у ерга йиғилган ҳар бир иштирокчининг юрагидан “Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша!” деган ҳайқирқ янграётгандек туюлади.

Ана шундай учрашувлардан бирига 6 ёшга тўлган ўғлимни олиб бордим. “Танкка миндим, устига чиқдим, ҳақиқий милтиқ ушлаб кўрдим, аскарлар тутунинг орасида каратэ кўйиб берди...” – у таассуротларини айтиб адо қилолмасди.

Ойлик давомида қанча аҳоли, ўғил-қизлар республика бўйлаб ана шундай мулоқотлардан баҳраманд бўлади. Улардан олинган таассурот ва хулосаларнинг, ҳис қилиш қудратининг маҳсулини эса ўзингиз тасаввур қилиб кўраверинг.

**Катта лейтенант
Азиз НОРҚУЛОВ**

Ҳар юракда байрамона руҳ

Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганнинг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини байрамини кенг нишонлаш мақсадида 18 декабрдан 18 январга қадар юртимизда ватанпарварлик ойлиги ўтказилмоқда.

ни ардоқлаш, сарҳадларини кўриқлаш фақат ҳарбий либос кийганларнинг эмас, балки ҳар бир ўзбек ўғил-қизининг муқаддас бурчи эканини барча қалблар ҳис қилди.

Ҳарбий хизматчилар ўқувчилар билан биргаликда қўшиқлар куйлаши тадбирда илиқ муҳит ҳосил қилди. Мак-



Шу муносабат билан Жиззах шаҳридаги 23-умумий ўрта таълим мактабига бир гуруҳ ҳарбийлар келишди. “Ватанга муҳаббат мактаб остонасидан бошланади” мавзусидаги мулоқот асносида она юрт-

таб ҳовлисида қурол-аслаҳалар намойиши ва кўргазмали чиқишлар ҳам ташкил этилди.

**Азиза ЭСОНБОЕВА,
Жиззах шаҳридаги
23-мактаб ўқувчиси**

Ким Ватанга содиқ бўлса...

Ўзбекистон заминидаги бугунги тинч ва осуда ҳаёт, фаровонлик халқимизга истиқлол бахш этган бебаҳо неъматдир. Миллий армиямиз – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ана шу осудалик ва фаровонликнинг муҳим кафолати ва ишончли қалқонидир.

Сайхунбод тумани ҳокимлиги ва O‘zLiDeP Сайхунбод туман Кенгаши ташаббуси билан туман мудофаа ишлар бўйича бўлими, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими, туман халқ таълими бўлими, ҳамда туман маданият бўлими ҳамкорлигида “Ким Ватанга содиқ бўлса – мендирман ўша!” шиори остида 8-болалар мусиқа ва санъат мактабида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Фронт орти фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирни Сайхунбод туман ҳокими, O‘zLiDeP туман кенгаши депутати Фаррух Ўқтамжонов очди ва барчани Ватан ҳимоячилари кунини билан табриклади. Шундан сўнг туман мудофаа бўлими бошлиғи, подполковник Ақром Мўйдинов сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатимиз мудофаа тизимини мустаҳкамлаш, ҳарбий соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар ва қўлга

киритилаётган ютуқлар ҳақида гапирди.

Тадбирга вилоятимиздаги 525-БМПП, Ширин шаҳридаги махсус операцияларни бажарувчи батальон бўлинимаси, Сирдарё туманидаги ҳарбий қисм ва вилоят миллий гвардияси бошқармаси ҳарбий қисм хизматчилари таклиф этилди. Улар томонидан қурол-аслаҳалар, ҳарбий техникалар ва амалий машғулотлар кўриги ҳамда қўл жанги кўргазмали чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир давомида соҳада фаолият олиб бораётган ҳарбийлар, фронт орти фахрийлари ҳамда ташкилотчиларга туман ҳокимлиги ва O‘zLiDeP туман Кенгашининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тадбирнинг иккинчи қисми туман марказидаги “Ёшлар хибони”да давом эттирилди. Бу ерда ҳарбий техникалар, жанговар операцияларни амалга ошириш бўйича кўргазмали чиқиш намойиш этилди. Бундан ташқари, майдонда ёшлар ўртасида тош кўтариш мусобақаси ташкил этилиб, голиб ва совриндорлар O‘zLiDeP туман Кенгаши ва Республика Маънавият-маърифат маркази туман бўлими томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Исроил АСКАРАЛИЕВ,
Халқ депутатлари Сайхунбод
тумани Кенгашининг
O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи
ижрочи котиби**

Томошабин бўлиб ўтиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ



Гулбаҳор ШАРАПОВА,
“Ғиждувон диагностика маскани”
хусусий корхонаси раҳбари,
Халқ депутатлари вилоят кенгаши
депутати, “Дўстлик” ордени соҳиби

Давлатимиз раҳбарининг навбатдаги Мурожаатномаси билан танишар эканман, тиббиёт соҳаси ходими ва халқ ноиб сифатида шу азиз юртнинг фарзанди эканимдан, унинг ғам-ташвишларига шерик бўлганимдан фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этдим.

Дарҳақиқат, 2020 йил халқимиз учун чиндан-да оғир, синовли ва машаққатли бўлди. Халқимизнинг буқилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргаликдаги саъй-ҳаракати туфайли қийинчиликларни мардона энгиб ўтмоқдамиз, дея алоҳида таъкидлангани бежиз эмас.

Пандемиянинг дастлабки давридаёқ қисқа муддатда Тошкент шаҳри ва барча ҳудудларда

зарур шароитларга эга, қарийб 30 минг ўринли даволаш масканлари ташкил этилгани, керакли дори-дармон, ҳимоя воситалари ва энг замонавий диагностика ускуналари билан таъминлангани, хавфли инфекцияга қарши курашиш учун 200 мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, 150 нафар чет эллик юқори малакали шифокор ва мутахассис жалб этилгани самара берганига гувоҳимиз.

Мамлакатимизнинг

энг чекка ҳудудларида ҳам нафақат шифо масканлари ва даволанувчилар, балки кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар доимий эътиборда бўлди. Жумладан, карантин даврида хусусий корхонамизда МСКТ ва МРТ аппаратлари текширувидан ўтган ижтимоий ҳимояга муҳтож беморларга 3 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати дои-

расида Бештува, Оқрабоб, Баққоллар, Амиробод, Тошлоқ, Қорабоғ, Айиртом ва бошқа маҳаллаларда яшовчи аҳолининг кам таъминланган қатлами моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди. Пандемия шароитига қарамасдан томорқа ва иссиқхоналар фаолиятини жонлантиришга, улардан самарали фойдаланишга эришилди. Бу, айниқса, Тошлоқ ва Баққоллар маҳаллаларида аниқ кўзга ташланди.

Президентимиз парламентга мурожаати-

да аҳолининг ижтимоий муҳофазасига алоҳида урғу бергани қувонарли. Халқимизни рози қилиш йўлидаги сайъ-ҳаракатлар самараси ушбу йилда ҳам кўпчиликни хушнуд этиши аниқ. 2021 йилнинг мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинган кўплаб тармоқлар қатори тиббиёт соҳаси ходимларига ҳам, жойлардаги маҳаллий кенгаш депутатлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Ай-

ниқса, халқимиз ишониб, овоз берган, сайлаган ноибларнинг томошабин бўлиб ўтиришга ҳаққи йўқ. Юртдошларимиз бахт-саодати ва манфаатлари йўлидаги кундалик фаолиятимизда туб бурилиш яшашга, даволаш-профилактика ишларини янги босқичга кўтаришга, меҳнаткаш халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган давлат аҳамиятига молик устувор вазибалар ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

Шарофат опанинг шарофати

Тараққиёт пиллапояларидан илдамлаганимиз сайин эҳтиёжларимиз ҳам ошиб бораётгани рост. Бугун хонадонларда автомобиль, телевизор, компьютер, музлаткич, чангюткич каби кўплаб техника воситаларининг бўлиши одатий ҳолга айланган.

Унутмаслик керакки, яхшироқ яшамок учун яхшироқ ишламоқ ҳам керак. Бироқ ўтаётган кундан нолиётган, тайинли бир даромад топиш иложини қилолмаётган кишилар ҳамон кўплаб учраяпти. Уларнинг барчасини дангасаликда, ишёқмасликда айблаш ҳам хато. Чунки меҳнат қилишга иштиёқманд, бироқ ишни нимадан бошлашни, қайси соҳага қўл

Жиззах вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан “Бунёдкор аёллар” лойиҳаси доирасида ташкил қилинган ўқув-семинарида яна бир бор амин бўлдик.

Таниқли тадбиркор, халқ депутатлари туман Кенгаши депутаты, Шарофат Нориева етакчилик қилаётган “Холмўминов Зоҳид” кўп тармоқли фермер хўжалигида бўлиб ўтган мазкур тадбирга Олмачи

лар билан томорқадан унумли фойдаланиш борасидаги тажрибаларини ўртоқлашди. Маҳалла аҳлига, ёшларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга маслаҳатлар берибгина қолмай, уларнинг иш билан таъминланишига, касб-ҳунарга йўналтиришга катта ҳисса қўшаётган халқ ноиб сифатида ташкил этиш, гулчиликни йўлга қўйиш истагида бўлган оилаларга ҳуқуқий-ташкилий, моддий масалаларда кўмак беришга ҳам тайёрлигини билдирди.

Муҳими, муҳтож аёллар уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр бўлган сиёсий куч ва тадбиркорлар борлигига, барака



уришни билмаётган, шу сабаб маслаҳатга, амалий ёрдамга муҳтожлар талайгина. Уларнинг бандлигини таъминлаш, доимий даромад манбаига эга бўлишлари учун эса баъзида кўп нарса талаб қилинмаслигида Шароф Рашидов туманида бўлиб ўтган, O'zLiDeP

ва Сўлоқли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги эҳтиёжманд оилалар рўйхатига киритилган хонадонларнинг уй бекалари таклиф этилди.

Кўпчилик “гулчи опа” деб атайдиган ва кафтдек ердан катта даромад олиш ҳадисини олган Шарофат опа йиғилган-

ҳаракатда эканига, меҳнат қилган одамнинг хонадонига фаровонлик тез орада кириб боришига қатъий ишонч билан тарқалишди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири



Ҳамма ноиб шундай бўлсайди...

Пахтаобод тумани Навбаҳор маҳалласида истиқомат қилувчи Йўлдошевлар оиласида уч йил бурун чиройли тўй бўлди. Вақт югурик. Лекин келинчак турли сабабларни рўқач қилиб сира тинчимасди. Ҳали у баҳона, ҳали бу ваз билан ота уйига кетиб қолаверишлари куёвнинг ҳам паймонасини тўлдиргани рост.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси, O'zLiDeP Аёллар қаноти фаоли Барчиной Тошмуродова раҳбарлигидаги МФЙ фаоллари, отиноиларнинг аралашувлари, тушунтиришлари ҳам келинга кор қилмади. МФЙ раиси сўнгги умидни халқ депутатлари туман кенгаши депутаты Дилшодбек Абдурахмоновдан топди.

Тегишли мутасаддилар билан МФЙ биносида яраштирув ишлари олиб борилди. Ҳар икки оила катталари, келиннинг ота маҳалласи вакиллари ҳам таклиф қилинди. Депутатнинг саъй-ҳаракатлари билан ажрим ёқасидаги оила яраштирилди. Айтилган муаммоларга ечим топилди. Куракда турмайдиган сабаблар оилада улғаяётган бир фарзанднинг етим бўлишига

арзимаслиги ҳаётини мисоллар билан тушунтирилди.

– Ҳамма депутат аслида шундай бўлиши керак, – дейди шу маҳалла кексаларидан бири. – Низоли томонни муроасага келтиришда беминнат хизмат қилди, эринмади, мана, натижа чиқди. Яна бир қувонарли томони, ўтказилаётган саховат тадбирларимизда ҳам фаол у киши. Ҳудудда қандай муаммо бўлса, қараб ўтирмайди, ечим топишга чин дилдан киришади.

Шу куннинг ўзида депутат Бўстонабод маҳалласида яшовчи 65 ёшли Исмоилжон Йўлдашевнинг Саховат уйига жойлаштирилишида амалий кўмак кўрсатди.

Зилола РАҲМОНОВА,
O'zLiDeP Андижон вилоят
Кенгаши матбуот
хизмати ходими.

Газетамизнинг ўтган йил 10 декабрь (48-сон)да таниқли журналист Рўзимбой Ҳасан қаламига мансуб

"УМУМИЙ МУЛК негa судлар унга холис баҳo беришмаяпти?"

сарлавҳаси остида мақола эълон қилинган эди. Ушбу мақолага Ўзбекистон Республикаси Олий суди қуйидаги жавобни йўллабди. Биз бу жавобни асл ҳолича чоп этишни лозим топдик.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетасининг 2020 йил 10 декабрдаги 48(890)-сонидан Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Навбахор МФЙ, Мустақиллик кўчаси 20-уйда истиқомат қилиб келган Умида Собирова ўзи иштирок этган фуқаролик иши юзасидан "Умумий мулк негa судлар унга холис баҳo беришмаяпти?" деб номланган мақола эълон қилинган.

Ушбу мақола юзасидан қуйидагилар маълум қилинди.

Даъвогарлар Умида Собирова, Камала Назарова, Камала Сабирава ва Тамара Петроваларнинг жавобгар "Юлдаш Собирхўжа ўғли" фермер хўжалиги раҳбари Светлана Сабирововага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда "Юлдаш Собирхўжа ўғли" кўп тармоқли фермер хўжалиги балансида бўлган бино-иншоотларни марҳум ота-онаси Юлдаш Сабиров ва Лидия Сабироваларнинг умумий мулк деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг 2020 йил 9 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби рад қилинган.

Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 27 октябрдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг 2020 йил 7 декабрдаги ажрими билан мазкур иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларини назорат тартибидан қайта кўриш учун асослар мавжуд эмас деб топилган.

Иш ҳужжатларидан маъ-

лум бўлишича, Гурлан туман ҳокимининг 2001 йил 11 июндаги №343-сонли қарори билан "Юлдаш Собирхўжа ўғли" кўп тармоқли фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилган.

Гурлан шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси, 20-уйда жойлашган 2 қават, 59 та хонадан иборат, фойдали майдони 1266,76 м², қурилиш ости майдони 523,73 м², ҳовлиси 618,26 м², умумий ер майдони 1141,99 м² бўлган омборхона, нон ишлаб чиқариш цехи ҳамда ошхона биноси Гурлан туман ҳокимининг 2003 йил 23 июндаги №563-сонли қарорига биноан,

– Гурлан тумани, Вазир қишлоғида жойлашган, фойдали майдони 301 м², қурилиш ости 336,52 м², ҳовлиси 4523,48 м², умумий ер майдони 4860 м² бўлган "Молхона" биноси Гурлан туман ҳокимининг 2007 йил 2 мартдаги №630-сонли қарорига биноан,

– Гурлан шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси, 20-уйда жойлашган 0,8 га бир қисмдан қурилиши тугалланмаган, 2 қаватли қурилиш ости майдони 486,4 м², фойдали майдони 634,06 м², умумий ер майдони 1120,46 м² бўлган меҳмонхона биноси Гурлан туман ҳокимининг 2010 йил 24 сентябрдаги №688-сонли қарорига биноан "Юлдаш Собирхўжа ўғли" кўп тармоқли фермер хўжалигига тегишли бўлган.

Даъвогарлар ота-онаси Юлдаш Сабиров ва Лидия Сабировалар қонуний никоҳ асосида турмуш қуришган ва айни вақтда Юлдаш Сабиров фермер хўжалиги раиси ҳисобланган.

Ю.Сабиоров нафақага чиққанлиги ва соғлиги тўғри

келмаганлиги боис "Юлдаш Собирхўжа ўғли" кўп тармоқли фермер хўжалигининг 2010 йил 25 декабрдаги умумий йиғилиш баённомаси билан раис этиб фарзанди Светлана Сабировани тайинлаган.

Шу асосида Гурлан туман ҳокимининг 2011 йил 10 февралдаги №97-сонли қарори асосида фермер хўжалиги билан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси қайта расмийлаштирилиб, фермер хўжалиги Низоми қайтадан С.Сабирова раис сифатида кўрсатилган ҳолда 2011 йил 3 мартда давлат рўйхатидан ўтказилган.

2016 йил 2 августда Ю.Сабиров (ота), Л.Сабирова (она) эса 2017 йил 7 февралда вафот этган.

Фермер хўжалиги Низоминанинг 4.1-бандига кўра, фермер хўжалигининг устав фонди шакллантирилаётганда фермер хўжалигининг бошлиғи ўз оила аъзоларининг умумий (улуш ёки биргаликдаги) мулк хисобланган мол-мулкни фермер хўжалигига топшираётган барча мулкдорларидан нотириал тасдиқланган розилик талаб этилади.

Аммо, иш ҳужжатларида низоли мулкларни фермер хўжалиги балансида ўтмасдан аввал улар марҳумлар Ю.Сабиров ва Л.Сабироваларнинг умумий мулк бўлганлиги ёки улар фермер хўжалиги ихтиёрига топширганлиги тасдиқловчи иш учун исботлаш воситаси бўладиган мақбул ва ишончли далиллар судларга тақдим этилмаган, судларда ҳам бу каби далиллар аниқланмаган, уларнинг тушунтириши асосида эса низоли мулкларни умумий мулк

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди диққатига!

Судлар томонидан даъво аризаларини кўришда ҳар икки тарафга холис қарамаслик, бирқилма қарорлар чиқариладигани ҳақида кўп айтилган ва ёзилган ҳам. Фуқароларнинг юқори инстанцияларга норозилик руйдаги мурожаатларининг асосини ҳам шундай мазмундаги рахатлаш ташкили қилмоқда.

Гурлан тумани Навбахор маҳалласи Мустақиллик кўчаси 20-уйда яшайдиган Умида Собирова ва Камала Назарова, Камала Сабирава ва Тамара Петроваларнинг умумий мулк деб топилиши ҳақида судлар томонидан қарорлар қабул қилинган.

Ушбу муқолада даъво аризаларини кўришда ҳар икки тарафга холис қарамаслик, бирқилма қарорлар чиқариладигани ҳақида кўп айтилган ва ёзилган ҳам. Фуқароларнинг юқори инстанцияларга норозилик руйдаги мурожаатларининг асосини ҳам шундай мазмундаги рахатлаш ташкили қилмоқда.

10-DEKABR 2020-YIL 48 (890) xxi_asr@umail.uz @ www.21asr.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди диққатига!

Судлар томонидан даъво аризаларини кўришда ҳар икки тарафга холис қарамаслик, бирқилма қарорлар чиқариладигани ҳақида кўп айтилган ва ёзилган ҳам. Фуқароларнинг юқори инстанцияларга норозилик руйдаги мурожаатларининг асосини ҳам шундай мазмундаги рахатлаш ташкили қилмоқда.

Гурлан тумани Навбахор маҳалласи Мустақиллик кўчаси 20-уйда яшайдиган Умида Собирова ва Камала Назарова, Камала Сабирава ва Тамара Петроваларнинг умумий мулк деб топилиши ҳақида судлар томонидан қарорлар қабул қилинган.

Ушбу муқолада даъво аризаларини кўришда ҳар икки тарафга холис қарамаслик, бирқилма қарорлар чиқариладигани ҳақида кўп айтилган ва ёзилган ҳам. Фуқароларнинг юқори инстанцияларга норозилик руйдаги мурожаатларининг асосини ҳам шундай мазмундаги рахатлаш ташкили қилмоқда.

УМУМИЙ МУЛК негa судлар унга холис баҳo беришмаяпти?



Бундан қандай ўқитилгани... ҳақ эълон қилинган.

Суд унга гўё даъво муддатини узатганини қўлдан қўйиб қўрмайди. Шу билан бирга, суд унинг даъвосини қўришда холис қарамаслик, бирқилма қарорлар чиқариладигани ҳақида кўп айтилган ва ёзилган ҳам. Фуқароларнинг юқори инстанцияларга норозилик руйдаги мурожаатларининг асосини ҳам шундай мазмундаги рахатлаш ташкили қилмоқда.

деб топишга асос бўлмайди.

Судда жавобгар "Юлдаш Собирхўжа ўғли" фермер хўжалиги раҳбари С.Сабирова даъво муддати ўтказиб юборилганлиги боис талабни муддат қўллаган ҳолда рад этиш ҳақида ариза тақдим этган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 154-моддасига асосан, даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлаши белгиланган бўлиб, даъвогарлар даъво муддатини узрли сабабларга кўра ўтказиб юборганлигини тасдиқловчи далилларни судларга тақдим қилмаган, бунда даъвогарлар ушбу ҳолатни билиши (ёки билган) лозим эди.

Даъвогарлар У.Сабирава, К.Назарова, К.Сабирава ва Т.Петровалар томонидан ўтказиб юборилган муддат узрли эканлиги ёки даъво муддатини тўхтаиб туриш ёхуд судга мурожаат қилишга монелик қиладиган узрли деб топишга асос бўлувчи ҳолатлар судларда аниқланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги 12-сонли қарорининг 15-бандига биноан, даъво муддати ўтказилганлиги муносабати билан даъво рад қилинганда, шу жумладан, уларни ўтказиш сабаблари узрли деб топилганда, ҳал қилув қарорининг асослантурувчи қисмида ушбу ҳолатни кўрсатилиши етарли бўлади.

Судлар иш ҳолатлари ва қайд этилган қонун талабларидан келиб чиқиб, даъвогар-

лар ўз ҳуқуқи бузилганлигини (Л.Сабированинг (она) 2017 йил 7 февралда вафоти муносабати билан) билган бўлса-да, уч йиллик даъво муддатни ўтказиб юбориб судга мурожаат қилганлиги, ушбу муддатни тўхтаиб туриш ёки узрли деб топишга асос бўлувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги ва бошқа асосда даъвони қаноатлантиришга қонуний асос мавжуд эмаслигини инобатга олиб, даъвони рад қилиш ҳақида қонуний ва асосли ҳулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 426-моддасига асосан, назорат тартибидидаги шикоят (протест) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилди.

Ушбу Кодекснинг 428-моддаси талабига кўра, аризага суд чиқарган ҳал қилув қарорининг нусхаси, агар иш апелляция, кассация ёки назорат тартибидан ҳам кўриб чиқилган бўлса, апелляция, кассация ва назорат инстанция судларининг ажримлари (қарорлари) билан ҳамда давлат божи ва почта харажатлари тўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши лозим.

Суд қарорларидан нозори бўлган тараф назорат тартибидидаги шикоят билан Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Судлов ҳайъати раисининг ўринбосари Г. Парпиева

Мулк осмондан тушганми?

Судлов ҳайъати раисининг ўринбосари Г.Парпиева имзолаган расмий жавобда “Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича” деб бошланувчи қаторбошиларда “бир қатор мулклар” “Юлдаш Собирхўжа ўғли” фермер хўжалигига тегишли эканлиги ва бу ҳақда туман ҳокими қарорлари мавжудлиги санаб ўтилган.

Бу тўғрики, фақат “Қачон-гача?” деган саволга холисона жавоб излаган-да!

Негаки, ўша санаб ўтилган муддатларда фермер хўжалиги раҳбари Йўлдош Собиров бўлган. Й. Собиров фермер хўжалиги ташкил қилинган ва унга раҳбар бўлган даврда турмуш ўртоғи Лидия Собирова билан бир оила бўлиб, қонуний никоҳда яшаган. Эр ва хотин турмушлари давомида топган даромадлари ва кўчмас ва кўчар мулклари уларнинг умумий мулки бўлиши қонунларимизда белгилаб берилган. Ва яна 2010 йил 12 октябрь санасида Й. Собиров давлат нотариуси томонидан бир қатор мулкларни қизи С. Собировага ҳадя қилган.

Ва яна 2011 йил Й. Собиров кексайиб қолгани сабабли фермер хўжалигини бошқаришни қизи Светлана Собировага беришни сўраб туман ҳокими номига ариза ёзади ва туман ҳокими бир қарор билан фермер хўжалигини С. Собировага ўтказди.

Шу ерда бир нафас тўхтанг ва ҳурматли суд масъулларига қонунларимизда бу ҳолат қандай ифодаланишини эслатиб ўтайлик:

“Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида аниқ кўрсатиб қўйилган: **“Фермер хўжалиги бошлигининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш таъқиқланади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно”.**

Изоҳ: бу борада бошқа қонунлар ҳозирча мавжуд эмас!

Ушбу қонуннинг 13-моддасида эса фермер хўжалиги бошлиғи пенсия ёшига тўлганда ёки меҳнат қобилиятини йўқотганда, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга чақирилган, олий таълим муассасасига кундузги ўқишга қабул қилинган, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ўзининг туман ҳокимига ёзган аризасига кўра, ушбу қонуннинг 4-моддаси биринчи қисми талабларига жавоб берадиган, ўз оила аъзоларидан бирига қонун ҳужжатларига мувофиқ ерни ижарага олиш ҳуқуқини ўтказиши мумкин-

лиги кўрсатилган.

Қайта ўқинг, қонун талаблари нима даяпти? **Ерни ижарага олиш ҳуқуқини.**

Фермер илкида бўлган мулкларни эмас!


У. Собирова ва унинг туғишганлари фермер хўжалиги ер майдонини ўзларига қайтаришни сўраб эмас, отаси ва онасига тегишли мулкни умуммулк деб эътироф этишни сўрашмоқда-ку, ахир!

Аслида 2011 йил 3 мартда Гурлан туман ҳокими чиқарган қарор ва фермер хўжалиги уставини рўйхатдан ўтказиш мутлақо қонунга зид эди. (Туман ҳокими қароридан ҳатто фермер хўжалиги номи нотўғри кўрсатилганига нима дейсиз?)

Олий суд томонидан газетага юборилган расмий жавобда ўзини-ўзи инкор қилувчи ҳуқуқий ҳолат тилга олинган, яъни фермер хўжалиги Низомининг 4.1-бандига кўра фермер хўжалигининг устав фонди шакллантирилади-деганда фермер хўжалигининг бошлиғи ўз оила аъзоларининг умумий (улуш ёки биргалиқдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни фермер хўжалигига топшираётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик талаб этилади. Аммо иш ҳужжатларида низоли мулкларни фермер хўжалиги балансига ўтмасдан аввал марҳумлар Ю. Собиров ва Л. Собированинг умумий мулки бўлганлиги... ҳақда далиллар судларга тақдим қилинмаган, дейилган.

Нотариал тасдиқланган розилик бошқа оила аъзоларидан олинмагани – фарзандларнинг отага қарши боришмагани, миллий оилавий тарбия маҳсули эмасми? Афсуски, ана шу норозилик барибир сал ўтмай юзага чиққан – С. Собирова фермер хўжалиги балансидagi мулкларни сотишга киришгач, бошқа фарзандлар норозилиги боис Йўлдош Собиров муқаддам нотариал тасдиқланган ҳадя шартномасини бекор қилган.

Бу даврда умуммулкда ўз улуши бўлган оиланинг бошқа аъзолари шу тахлит ўзларининг фуқаровий ҳуқуқларини



намойиш этишган. Иш ўша вақтда судгача етиб бормагани сабабини ҳам оқил фарзандларнинг отаси раъйига қарши боришмагани, шарқона тарбия кўришгани билан изоҳланади.

Тўғриси, ўша вақтларда ота ва болалар, оға ва инилар орасида мулк таллашиб судлашиш ҳолатлари жуда кам учрарди. Ҳозирги кунда эса бундай низолар пандемия хавфидан ҳам баттарроқ тусга кириб улгурган...

Яна бир гап, яъни Олий суд масъули имзо чеккан жавобда **“даъво муддати ўтказиб юборилгани”** кўп бора иддао қилинади.

Тўғри, биз ҳуқуқшунос эмасмиз. Суд тизимида ҳуқуқшунослар ишлаши ва улар амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларини мукамал билишларига шубҳамиз йўғ-у... аммо касбимиз тақозоси билан қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан боғлиқ ҳолатлар ҳақида ёзишимизга тўғри келганидан юқоридаги “даъво муддати ўтказиб юборилгани” ҳақидаги вазиятлар айрим қонун ҳужжатларига тўғри келмаслигини яхши биламиз ва буларни такрор эслатишга мажбурмиз.

Биринчидан, 2011 йилда фермер хўжалиги тасарруфига ўтказилган мол-мулклар, бу даврда мулк билан боғлиқ низоларга даъво муддат-

лари қўллаб бўлмаслиги Фуқаролик кодексининг 163-моддаси билан тартибга солинганини биламиз. Ушбу моддада: **“Мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, гарчи бу бузишлар эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам бартараф этиш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди”**, деб қатъий белгилаб қўйилган.

Иккинчидан, хусусий мулк муддатсиз бўлиши, мулкдорга мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш муддати белгиланишига йўл қўйилмаслиги қонунларимизда белгиланган.

Учинчидан, Оила кодексининг 12-моддасида: **“Оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларга нисбатан даъво муддати жорий қилинмайди”**, дейилган.

Биз ёритган мақолада айнан оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган мулкий даъво ҳақида гап борапти-ку! Жавобгар томоннинг фермер хўжалиги раҳбари экани ва бу мулкларни ноқонуний тарзда ҳамон тасарруф қилаётгани ва сотаётгани иддаомизни ўзгартирмайди. Бир томоннинг юридик шахс бўлишига урғу бериш орқали судлар айнан мазкур Оила кодекси талабларидан атайин чекинишяпти, шекилли.

Олий суднинг ушбу жавобида тилга олинмаган бир ҳолат эса бизни ажаблантирди. Мақолада суд томонидан таъқиқ қўйилган мулкларга кадастр ҳужжатлари ишлатиб, сотилаётганини аниқ фактлар билан ёзгандик.

Халқимизда айрим касбдошларга нисбатан жуда топиб айтилган ажойиб маталлар ҳам бор. Уларни бирма-бир келтириш шарт эмас, шундоғам эслаб, тушуниб, англаб олиш мумкин. Бу билан бирор тизим шу тизимни, юқоридагиси қуйидагисини ҳимоя қилади, деган мазмун англашилади. Аммо юқоридаги ҳолатда бу ҳақиқатдан юз ўгирилган. Олий Суддаги жаноблар қуйи суднинг кўчмас мулкка таъқиқ қўйиш ҳақидаги қарорини айрим давлат идоралари сариқ чақага олишмагани, олишмаётгани фактидан кўз юмишган. Бу эса айнан судларга бўлган ишончнинг султаланиши ва ҳатто тамомила йўқолишига олиб борадиган ҳолатлардир.

Ва яна яқинда Олий Мажлис Сенатида Конституциямизга киритилаётган ўзгаришлар муҳокама қилингани ва маъқуллангани бежиз эмас экан, деган фикрга бордик. Бу ўзгаришлар бевосита суд тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ. Бу ислоҳ жараёнида айрим судларнинг қуйи тизимлари тугатилиши белгиланган.

Нимага? Демак, маълумки, қуйи тизимлар ўзини оқламаган, қонун эмас, судьяларнинг шахсий манфаатлари биринчи ўринда турган. Ёки Президентимиз бир неча бора куйиниб айтганидек, айрим судьялар хонасида “дўкон очиб олишган”.

Давлатимиз раҳбарининг ҳақ сўзларига яна шуни қўшимча қиламиз: “судьяларнинг дўконлари” ўртага мол-мулк масаласи чиққанида айниқса қизийди...

Юқоридаги расмий жавобдан чиқадиган хулоса ҳам шунга яқин – қуйи судларда бу “мулкий низо” ортида қандайдир манфаатлар ётганга ўхшайди. Акс ҳолда, қонунни билган ва ҳурмат қилган судьялар бир оилавий умумий мулкни бировники деб қатъий қарор чиқариб, уни тиш-тирноқлари билан ҳимоя қилишмасди.

Рўзимбой ҲАСАН,
журналист

Хоразм вилояти

Нуқтаи назар

Бинонинг қулаши ниманинг аломати?



Табиатда ҳеч бир ҳодиса кутилмаганда, кўққисдан юз бермайди. Рўй беражак воқеанинг аломатлари сезилар-сезилмас ёки яққол йўсинда намоён бўлади. Масалан, ёмғирдан аввал осмонни булут қоплайди. Олимпларнинг айтишича, вулқон отилишидан олдин тоғдаги тупроқ, сув, ҳаво таркибида муайян ўзгаришлар содир бўларкан.

Жамиятда ҳам шундай, бизнингча. Ўтган йиллими ёндан аввалгисидами, ОАВда жойлардаги айрим қурилишлар бошида чаласавод, масъулиясиз одамлар тургани, иншоотлар, бинолар белгиланган қоидаларга зид равишда, “мендан кетгунча, эгасига етгунча” қабилда тикланаётгани тўғрисида бир неча чиқишлар қилинганди. Уларни тегишли ташкилотлар масъуллари пайқамади ёки пайқаса-да, пинагини бузмади.

Мана, яна бир, лекин аввалгисидан кўра кучлироқ, жиддийроқ, баъзи мутасаддилар яхши кўрадиган сўз билан айтсак, “аниқ амалий” сигнал келди: тўрт кун аввал Жиззах шаҳрида қуриладиган кўп қаватли уйнинг бир қисми қулаб тушди. Хайрият, қурбонлар йўқ. (Дарвоқе, ўтган ҳафтада водийда канал устига қуриладиган кўприк қоқ ўртасидан синиб кетгани ҳам огоҳлик кўнфироғи сифатида қабул қилиш мумкин).

Жиззахдаги мазкур ҳодиса бўйича ҳукумат комиссияси тузилди. У бионинг қулаб тушиш сабаблари, лойиҳачи ҳамда пудратчи ташкилотлар томонидан уйнинг барпо этилиши даврида шаҳарсозлик норма ва қоидаларига қанчалик риоя этилганлигини синчиклаб ўрганяпти, шунингдек, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун амалдаги меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, тақлифлар тайёрляпти. Албатта, дарҳол чора кўрилгани яхши. Аммо, барибир, касални даволагандан кўра, олдини олган дурустроқ.

Дарвоқе, газетамизда яқин бир-икки йил ичида “Оқибатлар билан эмас, уларни келтириб чиқараётган сабаблар билан курашиш даркор” мазмунидаги икки-учта мақола эълон қилинганди. Тўғри, улар қурилиш мавзусида эмасди. Лекин қайси мансабдор “Соҳамизда оқибатларни вужудга келтираётган сабаблар мутлақо йўқ” дея дадил, баралла айта олади? Мавриди келганда айтиш керак, ўтган йили нашримизда жами

қирқдан ортиқ, шу йили чиққан илк сонимизда эса нақ тўртта катта-кичик танқидий, таҳлилий мақолалар эълон қилинди. Уларнинг қарийб ҳар бирида келгусида газак олиши, оғир асоратлар келтириб чиқариши мумкин бўлган оғриқли нуқталар, муаммолар қаламга олинган. Лекин танқидларнинг аксариятига шу кунгача бирор масъул идора, бирор виждонли раҳбар ҳеч қандай муносабат билдирмади. Ҳатто бундай эътиборсизлик, бепарволик мақбул эмаслиги тўғрисида ҳам бултур алоҳида материал чоп этганмиз. Ўшанда шуни ҳам тахмин қилдикки, эҳтимол, мутасаддилар сукут сақлаш орқали “Шовқин солмасангизлар ҳам ҳамма муаммоларни биламиз, ишляпмиз, ечимлар топяпмиз, бизни чалгитманглар, халақит берманглар” демоқчи бўлаётгандир? Бу фаразимиз ҳеч-пуч экани яна бир бора тасдиқланяпти.

Жиззахдаги битаёзган “дом”нинг ярми ўпирилиб тушиши нимадан дарак беришини баён қилиш эъмалик бўлар-ов. Негаки, бунинг тагида нима гаплар борлигини деярли барча англяпти (ижтимоий тармоқлардаги гап-сўзлар шундан далолат беради). Назаримизда, ҳодисадан чиқадиган битта хулоса шуки, нафақат қурилиш, балки бошқа идора ва ташкилотлар раҳбарлари ҳам мақтовларнигина эмас, аччиқ, аммо очик, ҳақ гапни ҳам жон қулоғи билан тинглаши, ҳаттоки, хатоларини кўрсатганларни рағбатлантириши, танқиддан келиб чиқиб, аҳволни ўнглашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириши, фаолиятида “Танқид – келажак меваси” деган ҳикматни шиор қилиб олиши лозим. Бундай ёндашувнинг турли нохушлиқлар, фалокатларнинг олди олинишида катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Беҳзод ИСРОИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

2021 йил 10 январь кун ижтимоий тармоқларда Жиззахда янги қурилган кўп қаватли бино қулаб тушгани ҳақида хабарлар тарқалган ва бу борада дастлабки расмий баёнот берилган эди.

Бош прокуратура матбуот хизмати хабарига кўра, мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган терговга қадар текширув натижасида Жиззах вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 207-моддаси (Мансабга совуққонлик билан қараш) билан жиноят иши кўзга тилди.

Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Мулоҳаза

Болаликдан бадий ва бошқа соҳаларга оид китобларни ўқиб улғайганмиз. Уйимизда ҳали ҳам 40-50 йил аввал чоп этилган нодир китоблар ва ҳатто ўзимизга мактабда ўқитилган айрим дарсликларгача сақланади.

Битта дарслик неча йилга чидаши керак?

Авалги даврларни кўя турайлик, мустақиллик йилларида босиб чиқарилган дарслик китоблари неча йил “яшайпти”? Нега ҳар йили неча миллионлаб нусхаларда чиқаётган фанларга оид китоблар бирдангина эскириб қоляпти? Ёки бугунги ўқувчилар шу даражада тартибсиз, бебош, лоқайд бўлиб кетдимми?

Эсимдан чиқмайди. Биз мактабда ўқиган маҳалимиз битта дарсликни неча

география, зоологияда ўзгаришлар кам кузатилади. Шундай ҳолларда, аввало, давлатнинг, халқимизнинг катта маблағини тежаш лозимлигини назарда тутиб, дарсликлар чоп этиш муддатини узайтиришни тақлиф қилган бўлардим.

Яна бир эътирозим, дарсликлар босиб чиқараётган босмаҳоналарга тегишли. Сўнгги пайтларда негадир китоблар муқовасидан тортиб, қоғозигача юпқалашиб, сифати тушиб



йиллаб ишлатганмиз. Акамиздан кейин бизга, биздан ука-сингиллар ва бошқаларга тарқатилган. Агар кимда ким ўзига берилган китобни яхши сақлол-маса, йиртиб кўйса, ўғирлатса, тегишли тартибда жазоланар, керак бўлса, уялтирилари. Ҳозир ҳам шундай таомил бор-у, лекин камдан кам ҳолларда кўлланилади. Аксар ҳолларда яроқсиз аҳволга келиб қолган ё йўқолганлари ўрнига бошқа китобларни тиқиштириш одатта айлангани учун ҳам ўқувчиларда китобни асраб-авайлашга бўлган масъулият йил сайин сусайиб кетяпти, шекилли. Бу масаланинг бир жиҳати.

Энди асосий, яъни айрим дарсликларга бўлган муносабатга тўхталмоқчиман. Масалан, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, маънавият фанлари бўйича мактабларда ўқитилаётган дарсликларни чоп этиш тезлашиб кетаётгани мени ўйлантиради. Бу, албатта, маърифий, сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиши табиий. Лекин кейинги йилларда аниқ фанларга мўлжалланган китобларни ҳам босиб чиқариш мунтазамлиги ошганга ўхшайди. Олайлик, математика фанидан ўтиладиган дарсликлар ҳар тўрт йилда қайта босилляпти. Тўғри, физика дарсликлари 2010 йилда чоп этилган бўлса, 2019 йилга келиб янгиланди. Аниқ фанларда ўзгариш кам кузатилади. Баъзан қисмларга бўлинганди ёки дарс соатлари ўзгарганда, қайтадан нашр этилади. Буларни тушуниш мумкин.

Олайлик, математика, кимё, физика, боринги, табиий фанлар, биология,

кетяпти. Шу боис аввалги замонларда чиққан китоблар билан ҳозиргиларини солиштирсангиз, анча фарқли томонлари кўриниб қоляпти. Ўзимиз ўқиган китоблар ҳадеганда йиртилиб кетмас, жуда сифатли қоғозларда босилгани боис авлоддан авлодга ўтиб келгани сир эмас. Шундай экан, ўқув мавсуми бошланай деб турган маҳалда неча ўнлаб номлардаги дарсликларни шошма-шошарлик билан чоп этиш ўзини қанчалик оқлайди? Бу борада чуқур ўйлаб иш кўриш вақти етди. Ана шундагина китобларнинг умри узаяди, ҳуда-беҳудага оқибати ўйланмасдан тонналаб дарсликлар макулатурага топшириб юборилмайди. Ахир, битта китоб тайёрлаш, чоп этиш ҳазилакам меҳнат ва маблағ талаб қилмайди-ку!

Энг асосийси, шахсий жавобгарлик кучаймас экан, вазият ўзгармайди. Бугунги кунда, очигини айтиш керак, мактабларни дарсликлар билан тўла таъминлаш масаласи ҳамон долзарблигича қолмоқда. Демак, ҳар бир устоз, ўқитувчи ёшларга ибрат кўрсатиши шарт. Қайси соҳа бўлмасин, у бадий-ми, табиий фанларга оидми, илмийми, бундан қатъи назар, ҳар қандай китобни кўз қорачигидек асраб-авайлаш кераклигини фарзандларимиз юрагига сингдирайлик. Аксинча бўлса миллат бойлигини кўкка совураверамиз. Бу хатолик оқибати хайрли бўлмайди.

Эргаш РАҲИМОВ,
Пайариқ туманидаги 55-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси

Газ таъминоти тизимидаги ўзгаришлардан хабардормисиз?

Кейинги пайтларда электр энергияси, табиий газ, совуқ ва иссиқ сув ҳисоблагичларини ўрнатиш, қиёсловдан ўтказиш борасида бир қанча ўзгаришлар юз берди. Билдирилаётган эътирозлар, шикоятлар эса бу борадаги янгиланишлардан аҳолининг аксарияти хабардор эмаслигини кўрсатяпти. Бинобарин, тилга олинган хизматлар кўрсатилишига дахлдор ўзгаришлар хусусида ахборот беришни лозим топдик.

ИЛГАРИ ҚАНДАЙ ЭДИ?

Авваллари ҳисоблагични ечиш учун таъминотчи ташкилот (“тумангаз”, “шаҳаргаз”) га ариза топширилиши талаб қилинарди. Сўнгра давлат текширувини ўтказиш учун қурилмани “Ўзстандарт” агентлигига олиб бориш шарт эди. У ерда истеъмолчидан ҳар хил тўловлар ундирилди. Қайд этиш керакки, масалан, қурилма текшируви нарҳини белгилашда шаффофлик мавжуд эмасди. Текширувдан кейин истеъмолчи қурилмани ўзи олиб, масъул ташкилотга ҳисоблагич ўрнатиш учун ариза топширарди. Бундай ишларга тоқати ёки вақти йўқ одамлар таъминот идоралари ходимлари билан келишиб, муайян миқдордаги пул эвазига ҳисоблагични текширувдан ўтказдирарди – зарурий барча ишларни ходим бажарарди. 2019 йил 1 ноябрдан эътиборан тизимда илк ижобий ўзгаришлар рўй берди – ҳисоблагичларни қиёслов учун аризалар давлат хизматлари марказлари ёки электрон тарзда **my.gov.uz** портали орқали қабул қилиниши бошланди.

ҲОЗИР-ЧИ?

Президентимизнинг 2020 йил 24 сентябрдаги “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳасини



амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида 2021 йил 1 августгача мамлакатимизнинг барча ҳудудларида истеъмолчиларга замонавий электрон ҳисоблагичларни ўрнатиб, табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини тўлиқ жорий этиш белгиланган. Эътиборлиси, қарздорлик даражаси юқори

ҳудудларда янги турдаги ҳисоблагичларни шу йил 1 февралгача ўрнатиш кўрсатилган. “Ҳудудгазтаъминот” АЖ ва унинг ҳудудий корхоналари қарор ижросини таъминлаш учун тасдиқланган график-жадвал асосида табиий газ ҳисоблагичларини истеъмолчиларга бепул тарзда, акциядорлик жамияти ҳисобидан ўрнатиб бермоқда. 2020

йилнинг 21 декабр ҳолатига 25 минг 58 дона янги, замонавий “O’sten” русумли газ ҳисоблаш ускунаси ўрнатилди. Демак, 25 минг 58 та хонадон ва биноларда табиий газ ҳисоби Жиззах вилояти газ таъминоти филиали назоратчилари иштирокида ўтказилди.

Кўплаб фуқаролар ҳисоблагичларининг текширув муддати яқинлашиб қолган. Улар қандай йўл тутишлари керак? Тегишли идоралар томонидан қиёслов сертификатлари муҳлатини истисно тариқасида 2021 йил 1 августга қадар узайтириш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

АЙРИМ ЙЎНАЛИШЛАРДА КАМЧИЛИКЛАР БОР

Дастлаб шуни айтиш зарурки, ваколатли органларда мутахассислар етишмаслиги, иш ҳажмининг кўплиги тушган аризаларни кўриб чиқиш имконини бермаяпти. Масалан, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ метрология бўлимига G-2,5, G-4, G-6, G-10 ҳисоблагичларини ўрнатиш бўйича бир кунда 30-40 та ёзма мурожаат қилинади. Аризаларга асосан Жиззах шаҳри марказида ҳар бир ҳисоблагични ечиш ва ўрнатиш, далолатнома тузиш учун ўртача 40-50 дақиқа сарфланади. Бундан ташқари, ходимлар ҳар куни ҳисоблагич пломбаларини ечиш ва ўрнатишга тааллуқли 40 дан ортиқ аризани қаноатлантиришлари зарур.

Иккинчидан, метрология станциялари камлиги туфайли таъминотчи корхоналар ечилган ҳисоблагич ва далолатномаларни “Ўзстандарт”га топшириши белгиланган, агентликнинг ҳудудий бўлинмалари эса фақат вилоят марказларида фаолият кўр-

сатмоқда.

Ўтган йилнинг 21 декабригача табиий газ ҳисоблагичлари бўйича таъминотчи корхонага 9569 та ариза тушган. Шундан 6685 таси бўйича тегишли ишлар бажарилган, 45 таси бекор қилинган, 2839 таси кўриб чиқилмоқда. Шундан келиб чиқилса, ишлар силлиқ кечаётгандай туюлади. Аммо таъминотчи корхоналар ва метрология органлари фаолиятида айрим камчиликлар юзага келмоқда. Амалдаги тартиб-қоидаларга кўра фуқаролар давлат хизматлари агентлигига ариза топшириб, тўлов қилсалар-да, ариза туманлар электрон базаси “Gaztech” дастурига тушмаяпти, автоматик равишда кейинги босқичга юборилмапти. Бироқ маълумотлар ана шу кейинги босқич – метрология миллий институтининг Жиззах бўлими NIM дастурида ҳам “кўринмаяпти”. Аризаларнинг бошқа манзилларга юборилиши ҳолатлари ҳам кўп.

БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТ ЎТИБ КЕТСА...

Бугунги кунда ҳисоблагичларни қиёсловдан ўтказиш, алмаштириш билан боғлиқ хизматларни ўз вақтида кўрсатиш учун барча зарурий чоралар кўриляпти. Мабодо фуқаро давлат хизматлари агентлиги ёки **my.gov.uz** порталига ариза берган, лекин унинг кўриб чиқилиши кечиктирилаётган бўлса, бу ҳақда масъулларни ДХАнинг 1148 ишонч рақами ёки **my.gov.uz** порталидаги электрон шаклдаги ариза ичига жойлаштирилган “Махсус хабар” тугмачаси орқали огоҳ қилиши мумкин. Мутахассислар ҳолатни ўрганиб, тегишли тавсиялар беришади.

Гули АШУРОВА

Ислоҳот ва самара

Инсоният ўз ҳаётида ипакни етти хазинанинг бири сифатида қадрлаб келган. Мамлакатимизда ҳам азалдан пилла қурти парваришлангани туфайли бу борада етарлича тажриба тўпланган. Айниқса, бу жимитдек жонзот тухфа қилган пилладан олинган ипакдан тайёрланган атласу адраслар етти иқлимда маълуму машхур.

Сўнги йилларда юртимизда мазкур соҳага алоҳида эътибор ва рағбат билдирилаётгани тадбиркорларнинг меҳнати ва муваффақиятида акс этмоқда. Мана, Пастдарғом туманида фаолият юритаётган “Elbek TRJ” МЧЖ саккиз йилдирки, хорижга сара ипак хомашёсини экспорт қилиб келяпти.

Самарқанд ипаги ёхуд тайёр маҳсулот энди экспортга

– Авваллари эски ускуналарни таъмирлаб, бир амаллаб ишларат эдик, – дейди корхона иш юритувчиси Алишер Ҳақбердиев. – Соҳамизга эътибор ва имтиёзнинг кучайтирилгани сабаб 2017 йилда ҳар бири 100 минг АҚШ долларилек 2 та янги линия олиб келиб ишга туширдик ва кластерга айландик.

Туманда етиштирилган 276 тонна маҳсулот, яъни режадан 110 фоиз кўроқ пилла йиғилиб, хомашё тўпланди. Бу рақам 2019 йилда 250 тоннани ташкил этган. Ўз навбатида, хомашё корхона ишчилари томонидан тозаланиб, станоклар ёрдамида тайёр хомашёга айлантирилади.

Сўнг эса асосий харидорларимиз бўлган Хитой, БАА ва Эронга жўнатилади. Чунки бу мамлакатларда ипакдан тайёрланган кийим-кечакдан тортиб, гилам ва кўрпа-кўрпачаларгача талаб юқори ҳамда улар бу маҳсулотларимизни севиб харид қилишади.

Корхонамизда жорий йил ипак гиламлар ва матоларни ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Бу линиялар Жомбой ва Пайариқ туманларида жойлашгани сабабли шу ҳудуд ёшлари ишга таклиф қилинади. Натижада ҳар икки йўналишда 50 тадан иш ўрни яратилади. Натижада иш ўринларимиз 150 дан ошади. Мавсумда эса ишчилар сони 200-

300 нафарга етади.

Пиллачилик билан шуғулланаётган бу корхонада эътиборга молик ишлар олиб борилаётганидан жорий йил давомида нафақат гилам ёки ипак матолар, балки дунё дўконлари пештахталаридан жой олган ҳолда эркин рақобатлаша оладиган кийим-кечаклар ҳам ишлаб чиқарила бошлайди. Бу эса юртимизда етиштирилган ипакнинг асосий қисми фақат хомашё сифатида эмас, балки тайёр маҳсулот бўлиб дунё бозорида ўрин эгаллашдан дарак беради.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
“XXI asr” мухбири

Эълон

“PSB
Insurance“
МЧЖ СКнинг
0038443-сонли
яроқсиз
ҳолдаги
ПОЛИС
бланкаси
йўқолгани
сабабли
юридик кучини
йўқотгани
МАЪЛУМ
ҚИЛИНАДИ.



Uzkiyosanoat
АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

UZ-POTASH

“ДЕНҚОНОВОД КАЛІҲ ЗАВОДИ”





бу тун халқимизни, хусусан, мард ва жасур ҳарбийларимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги билан самимий қутлайди! Она юртга сидқидилдан хизмат қилишдек шарафли вазифани адо этишда куч-ғайрат, мустаҳкам соғлиқ, улкан муваффақиятлар, хонадонларингизга эса файз-барак ва бахт-саодат ёр бўлишини тилаймиз. Ватан ҳимоячилари кунни муборак бўлсин!



Хизматлар лицензияланган.

Маҳсулотлар сертификатланган.



 <p>ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Ақтам ХАЙТОВ Дилшод ШОУМАРОВ Шухрат БАҒОЕВ Мавлуда ХҲЖАЕВА</p>	<p>MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI</p> <p>XXI ASR IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA HAFTALIK NASHR</p> <p>Бош муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ</p> <p>Сирожиiddин САЙИИД Адхам ШОДМОИОВ Виктор ПАК Насимжон АЛИМОВ</p> <p>Фаррух ЖАББОРОВ Бош муҳаррир ўринбосари</p>	<p>Тахририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73^а-уй.</p> <p>электрон почта: xxi_asr@mail.uz xxi_asr@mail.ru</p> <p>Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс). Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.</p>	<p>“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.</p> <p>Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-3 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 151 Тираж: 3259 Баҳоси келишилган нарҳда. Топширилди – 18:40</p>	<p>Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.</p> <p>© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.</p> <p>Муаллифлар фикри тахририят нўқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.</p> <p>Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер</p> <p>Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.</p>	<p>ISSN 2181-497X</p>  <p>НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406 1 2 3 4 5 6</p> <p>Навбатчи муҳаррирлар: Фаррух ЖАББОРОВ, Беҳзод ИСРОИЛОВ.</p>
--	--	--	--	---	--